

«Hilol Nashr» нашриётида Малайзиялик мәҳмонлар



20:48 / 05 ноябрь 328

2024 йил 5 ноябрь куни Малайзиянинг Перлис ислом университети коллеки ректори, профессор, доктор Муҳаммад Розайми ибн Рамле бошчилигидаги бир гуруҳ мәҳмонлар юртимизга ташриф буюришди.

Мәҳмонлар юртимиз бўйлаб зиёратлари давомида «**Hilol Nashr**» нашриётматбаасининг бош дўконига ҳам келдилар. Улар бу ерда диний- маърифий, адабий-бадиий асарлар ҳамда фазилатли **шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф** ҳазратларининг илмий мерослари билан яқиндан танишиб чиқдилар. Зиёратчиларга нашриёт раҳбари Исмоил домла Муҳаммад Содик ҳамроҳлик қилдилар. Мәҳмонлар шайх ҳазратларининг ҳаёт йўллари, илмий мерослари ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар.

Азизларимиз юртимизда олиб борилаётган хайрли ислоҳотларга гувоҳ бўлиб, Аллоҳ таолодан юртимиз ва халқимиз ҳаққига дуолар қилдилар.

Хусусан, юртимизда масжидларга бўлган эътибор, масжидлар қурилишининг сони ортаётгани, халқимизнинг ихлоси, уларда Аллоҳнинг байтига бўлган муҳаббатни эътироф қилиб, ташаккурларини изҳор этдилар.

